

## ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВГА ТЕГИШЛИЛИГИНИНГ ТУРЛАРИ ҲАМДА БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Обиджонов Абдурасул Рустам ўғли

Тошкент давлат Юридик университети магистратура талабаси

[Obidjonovrasul9@gmail.com](mailto:Obidjonovrasul9@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят процессида терговга тегишилилик масалалари, терговга тегишилилкни тергов ўтказишдаги аҳамияти, терговга тегишилилик турлари ва белгиларининг ўзига ҳос хусусиятлари, шунингдек ушибу масаларнинг миллӣ қонунчиликдаги баъзи камчиликлари ҳамда ҳалқаро тажриба билан қиёсий таҳлили ўз аксини топган.

**Калим сўзлар:** тергов, дастлабки тергов, суриштирув, тегишилилик, ҳудудийлик, прокурор, ички ишлар органлари, терговга тегишилилик белгилари.

### АННОТАЦИЯ

В статье отражены вопросы подсудности в уголовном судопроизводстве, значение подсудности в расследовании, специфика видов и особенностей подсудности, а также некоторые недостатки отечественного законодательства и сравнительный анализ этих вопросов с международным опытом.

**Ключевые слова:** следствие, предварительное следствие, дознание, принадлежность, территориальность, прокурор, правоохранительные органы, признаки принадлежности к следствию.

### ABSTRACT

The article reflects the issues of jurisdiction in criminal proceedings, the importance of jurisdiction in the investigation, the specifics of the types and characteristics of jurisdiction, as well as some shortcomings in national legislation and a comparative analysis of these issues with international experience.

**Keywords:** investigation, preliminary investigation, inquiry, affiliation, territoriality, prosecutor, law enforcement agencies, signs of affiliation to the investigation.

### КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтказилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, 2017-йил 6-сентябрда «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан жиноят ишини

тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгиланди. Жиноят процессида терговга тегишлилик масалалари ЖПКнинг 345 ҳамда 381<sup>2</sup>-моддаларида жиноят ишининг терговга тегишлилигига оид муносабатлар тартибга солинган.

Бу институт жиноят-процессуал хукуқида энг долзарб масалалардан бири бўлиб, X.Каримовнинг фикрига кўра, “Терговга тегишлиликнинг аҳамияти шундаки, жиноят содир этилганда у бўйича қайси тергов органи тергов ўтказиши лозимлигини билади. Терговга тегишлиликни тартибга соловчи нормада Жиноят кодексида белгиланган барча жиноятлар акс этган бўлиши шарт, акс ҳолда муайян жиноят содир этилганда у бўйича қайси орган тергов ўтказиши лозимлиги ҳақида саволлар пайдо бўлишда давом этаверади”<sup>1</sup>. И.Г.Башинскаянинг фикрича, жиноят ишининг терговга тегишлилигини аниқлашда содир этилган қилмишнинг хусусияти, терговни амалга оширувчи органларнинг компетентлиги инобатга олиниши зарур<sup>2</sup>. И.С.Дикарев тегишлилик масаласи факат жиноят ишига эмас, терговга қадар текширув материали ва жиноят ҳақида берилаётган хабарларга ҳам тааллуқли эканлигини илмий асослаб берган<sup>3</sup>. Буларнинг натижасида эса жиноят ишини ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш имконияти яратилади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жиноят-процессуал хукуқи назариясида процессуалист олимлар “тегишлилик турлари” ҳамда “тегишлилик белгилари” тушунчаларини бир-бирига боғлаб тушунтирадилар. Жумладан, айрим олимлар предметига, ҳудудий ва шахсига кўра терговга тегишлиликнинг белгилари сифатида эътироф этишади. Бошқалар эса мазкур белгиларни терговга тегишлиликнинг турлари<sup>4</sup>, деб билишади. Бизнингча, ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари айнан терговга тегишлилик масаласини ҳал этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун биринчи тоифа процессуалист олимларнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Шунингдек, бу ўринда прокурор ёки тергов бўлими, бошқармаси бошлигининг хоҳиши ҳам инобатга олиниши зарур. Чунки жиноят-процессуал

<sup>1</sup> Каримов Х. Терговга оид нормалар такомиллаштирилади. <https://huquq.uz/2020/12/16/PR-9/>

<sup>2</sup> Башинская, И.Г. Проблемы правовой регламентации института подследственности в российском уголовном судопроизводстве: автореф. дисс. канд. юрид. наук: 12.00.09 / И.Г. Башинская. Краснодар, 2007. – с. 8

<sup>3</sup> Дикарев И.С. Подследственность в уголовном процессе: вопросы теории и законодательной регламентации // Журнал российского права. 2020. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/podsledstvennost-v-ugolovnom-protsesse-voprosy-teorii-i-zakonodatelnoy-reglamentatsii>

<sup>4</sup> Якимович Ю. К., Пан Т. Д. Досудебное производство по УПК Российской Федерации (участники досудебного производства, доказательства и доказывание, возбуждение уголовного дела, дознание и предварительное следствие). СПб., 2003. С. 151—156

қонунчилигимизда прокурорга терговга тегишлилик қоидаларига риоч қилмаган ҳолда жиноят ишларини ўтказиш ваколати берилган.

Амалдаги процесдуал қонунчилигимизга асосан дастлабки терговни олиб боришига ваколатли бўлган мансабдор шахслар белгиланган бўлиб, унга кўра дастлабки терговни фақатгина уч давлат органи, яъни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати органи терговчилари томонидан олиб борилиши мумкин. Ушбу учта органга ҳам ЖПКнинг дастлабки терговга оид нормалари бирдик тегишли бўлсада, ушбу органларда дастлабки терговнинг ўтказилиши бир биридан жиноий қилмишларнинг тегишлилиги билан фарқланади. Юридик адабиётларда дастлабки терговни олиб борувчи субъектларни икки гурухга ажратишади. Дастлабки терговни олиб борувчи субъектларнинг биринчи гурухига прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчиларини, иккинчи гурухга эса прокурорларни киритишади. Дастлабки терговни амалга оширишга ваколатли бўлган З та давлат органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги; “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги; “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларда белгилаб қўйилган.

Терговга тегишлилик жиноят ишининг белгилари ёки ваколатли мансабдор шахснинг хоҳишидан келиб чиқиб, жиноят ишининг аниқ бир тергов органининг иш юритувига тааллуқли эканлигини англатади. Жиноят-процесдуал қонунчилигимизда терговга тегишлиликнинг турлари бўйича аниқ тушунтириш берилмаган. Лекин нормалар мазмунидан келиб чиқиб, уларни фарқлаш мумкин. Хусусан, ижтимоий хавфли қилмишнинг квалификацияси предметига кўра терговга тегишлиликни белгилаб берса, қилмиш содир этилган жой ёки гувоҳларнинг кўпчилиги жойлашган ҳудуд – ҳудудий судловга тегишлиликни назарда тутади. Бугунги кунда, жиноят ишларининг терговга тегишлилигини аниқлашда “тегишлилигини белгилашнинг алгоритми”ни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Одатда, ишнинг тегишлилигини аниқлаш унинг ҳудудий, шахсига ва предметига кўра тегишлилик қоидаларини бир вақтда ва биргалиқда қўллаган ҳолда амалга оширилади. Лекин, амалда уларнинг ҳаммасини ҳам бир вақтда қўллаш имконсиз.

Бизнингча, жиноят ишининг терговга тегишлилиги алгоритмини ишлаб чиқишида унинг предметига ва ҳудудга кўра белгиларини асос қилиб олиш зарур. Чунки қилмишни квалификация қилиш орқали ЖПК 345 ёки 381<sup>2</sup>-моддалари мазмунидан жиноят ишининг қайси тергов органининг иш

юритувига тааллуқли эканлигини, қилмиш содир этилган жойни қўрсатиш орқали эса айнан қайси территориал органга тегишли эканлигини аниқлаш мумкин. Шу икки белгининг ўзи тегишлилик бўйича етарлича масалаларни ҳал этади. Шу билан бирга, терговга тегишлиликнинг яна бир тури мавжудки, у жиноят-процессуал ҳукуқи назариясида мустаснолик хусусиятига эга бўлиб, уни процессуалист олимлар мустасно терговга тегишлилик, дея таърифлашади. Тегишлиликнинг мазкур тури прокурор билан боғлиқ бўлиб, амалдаги қонунчилигимизга кўра прокурор терговга тегишлилик қоидаларидан қаъий назар жиноят ишининг муайян тергов органининг иш юритувига ўтказа олади бу хатти-ҳаракат қарорда ўз аксини топиши лозим. Бунда прокурор ўрганиладиган материалларнинг мураккаблиги, уларнинг жамоатчилик учун юқори аҳамиятга эга эканлиги ёки тергов органи томонидан жиноят-процессуал қонунчиликнинг жиддий бузилиши каби фактларнинг мавжудлиги инобатга олинниши зарур.

Мустасно терговга тегишлиликка кўра, ЖПКнинг 345-моддаси 9-қисмida баён этилган асослар мавжуд бўлганда жиноят ишини терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга, факат Бош прокурор ёки унинг ўринбосарларининг асослантирилган қарорига биноан амалга оширилади. Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари иш юритувидаги терговга қадар текширув материали ёки жиноят ишини худудий жиҳатдан терговга тегишлилигига кўра бошқа вилоят прокуратурасига ўтказиш Бош прокуратура орқали амалга оширилади<sup>5</sup>. Туман (шаҳар) прокуратураси ва унга тенглаштирилган прокуратура иш юритувидаги терговга қадар текширув материали ёки жиноят ишини бошқа худудга ёки вилоят прокуратурасига, шунингдек вилоят прокуратураси иш юритувидаги терговга қадар текширув материали ёки жиноят ишини қўйи прокуратурага ўтказиш вилоят прокурорларининг ёзма рухсати билан амалга оширилади.

Худудий терговга тегишлилиқ қоидаларига қўра, жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар) суриштирувчи, терговчисининг терговига тегишли бўлади. Жиноят содир этилган худудни аниқлашнинг имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда терговга тегишлилик масаласини ҳал

<sup>5</sup> Жиноятчиликка қарши қураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаши тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги 129-сон бу й р у ги. Бош прокурор буйруқлари тўплами.

этиш юзасидан ЖПК 346-модданинг 2-қисмида қуидагича маълумот келтирилган, яъни дастлабки тергов, суриштирув агарда иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, иш қўзғатилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг кўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин. Лекин ушбу норма мазмунидан жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашнинг имкони бўлмаганда тегишлилик масаласини ҳал этиш юзасидан етарлича маълумот берилмаган. Рус олими С.А.Дмитреев поездларда содир этиладиган ўғрилик жиноятларини таҳлил қиласар экан бундай тергов жиноят белгилари аниқланган ҳудудда ҳам ўтказилиши кераклигини таъкидлаган<sup>6</sup>. Худди шундай фикрни Н.В.Османова ва А.А.Ильюховлар<sup>7</sup> ҳам билдириб ўтишган. Бу билан процессуалист олимлар жиноят излари аниқланган ёки унинг оқибатлари тегишли бўлган ҳудудни назарда тутган. Мазкур тавсиянинг ижобий жиҳати жиноят белгилари аниқланган ҳудудни жиноят содир этилган ҳудудга яқинлаштириб, тергов самарадорлигини ва сифатининг ошишига хизмат қиласади. Мазкур тартиби Rossiya Федерациясининг 152-моддасида ҳам кўриш мумкин. Худди шу мазмундаги тартиб жиноят хақида берилаётган ариза ва хабарларга ҳам тегишли бўлиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПК 346-моддасини қуидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдириш:

жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда жиноят белгилари аниқланган ёхуд унинг оқибатлари тегишли бўлган ҳудудда тергов олиб борилади.

Жиноят қонунчилигимизга кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатганлик, шунингдек Интернет, ижтимоий тармоқларга жойлаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Худда шу турдаги жиноятларда ҳам гарчи унинг тегишлилик масаласи ЖПКнинг 345-моддасида аниқ белгилаб қўйилган бўлсада, қилмиш содир этилган жойни (ҳудудни) аниқлашда тергов амалиётида муаммолар учраб туради. Бу борада қонунчилигимизда аниқ тушунтириш ҳам бериб ўтилмаган.

<sup>6</sup> Дмитриев, С. А. Проблемы определения территориальной подследственности по делам о кражах в поездах / С. А. Дмитриев // Законность. – 2009. – № 4(894). – С. 48-51. – EDN KPNRIV.

<sup>7</sup> Османова Н. В., Ильюхов А. А. К вопросу об универсальной подследственности уголовных дел, расследуемых следователем СК России // Вестник Академии Следственного комитета Российской Федерации. – 2015. – №. 1. – С. 167-171.

Мантиқий жиҳатдан олиб қараганда, диний экстремистлар таъсирига тушиб қолган шахс тақиқланган материалларни Интернет орқали ижтимоий тармоқларга жойлаган вақтдан бошлаб тугалланган бўлиши керак, бизнинг фикримизча. Унинг учун мазкур шахс қачон қа қаердан туриб уларни жойлаштирганлигини аниқлаш керак бўлади. Афсуси, глобал тармоқ орқали амалга ошириладиган мазкур турдаги хатти-ҳаракатларнинг аниқ вақти ва манзилини аниқлаш муаммоли масала (IP-манзилини топиш, агарда «Wi-Fi» орқали амалга оширилган бўлсада иш янада мураккаблашади). Бунинг устига, жиноятнинг содир этилиш вақти ва жойини топиш одил судловни таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб, ЖПКнинг 82-моддасида айблаш ва хукм қилиш асосларидан бири сифатида белгиланган. Бу масалада Ю.М. Батурин, В.Н. Щепетильников, О.С. Морозова каби олимлар ўзларининг илмий асарларида тадқиқот олиб борган бўлсаларда муаммонинг ечими юзасидан ҳар томонлама тўғри, асослантирилган таклиф бера олишмаган<sup>8</sup>. Улар бу масалани алтернатив судловга тегишлилик қоидаларидан, яъни иш қўзғатилган, гувоҳ, айбланувчиларнинг кўпчилиги жойлашган худуддаги тергов организенининг терговига тегишли бўлиши керак, деган хulosага келишган.

## **ХУЛОСА**

Бизнингча, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш билан боғлиқ жинот Интернет глобал тармоғи орқали дунёning исталган қисмидан туриб содир этилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, давлатлар ўртасидаги ҳалқаро ҳамкорликни кучайтириш лозим. Ҳалқаро ҳужжатлар, икки томонлама ёки кўп томонлама шартномаларни тузиш орқали бу турдаги жиноятларнинг содир этилиш жойини аниқлаш ва жавобгарлик муқарралигини таъминлаш имконини беради.

## **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 76 бет.

<sup>8</sup> Морозова, Н. А. Проблемы привлечения к уголовной ответственности за экстремизм в информационной сети Интернет / Н. А. Морозова // Российский следователь. – 2014. – № 5. – С. 38–41, Щепетильников, В. Н. Уголовно-правовая охрана электронной информации : дис. ... канд. юрид. наук / Щепетильников Виктор Николаевич. – Рязань, 2006. – 179 с., Барanova M.A. Проблемные вопросы определения территориальной подследственности уголовных дел о преступлениях экстремистской направленности // Legal Concept. 2020. №2. URL: [https://cyberleninka.ru/article/n/problemye-voprosy-opredeleniya-territorialnoy-podsledstvennosti-ugolovnyh-del-o-prestupleniyah-ekstremistskoy-napravlennosti](https://cyberleninka.ru/article/n/problemye-voprosy-opredeleniya-territorialnoy-podsledstvennosti-ugolovnyh-del-o-prestupleniyah-ekstremistskoy-napravленности)

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018.
4. Жиноят-процессуал хуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. // – Тошкент: ТДЙУ нашриёти, 2018. – 406 бет.7
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесси: Дарслик // Ш.Т.Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 635 б.
6. О.М.Мадалийев Суд статистикаси: Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: К.П. Иркаходжайев й.ф.н. досент. -Т.: ТДИИ нашриёти. 2006. -289 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси кафедра бошлиғи, ю.ф.ф.д. Хуршид Каримов: “ТЕРГОВГА ОИД НОРМАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ”.- 16.12.2020
8. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
9. The International Investigations Review: France. Antoine Kirry and Alexandre Bisch Debevoise & Plimpton LLP 01 August 2021. (<https://thelawreviews.co.uk/title/the-international-investigations-review/france>)
10. Criminal Procedure and Investigations Act 1996 (section 23(1)) Code of Practice Revised in accordance with section 25(4) of the Criminal Procedure and Investigations Act 1996.
11. <https://www.legalserviceindia.com/legal/article-3535-powers-of-police-investigation.html>